

*Мирзакалон Исмоилий*

# ФАРГОНА ТОНГ ОТГУНЧА

*Биринчи китоб*

*ҚАЪР ГУЛДУРОСИ*



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2010

**Исмоилий М.**

Фарғона тонг отгунча. (Биринчи китоб: «Қаър гулдуроси») — Т.: «Sharq», 2010, — 464 б.

**ББК.84(5Ў)6**

ISBN 978-9943-00-338-5 ,

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Баш таҳририяти, 2010

**ҚАЙТИШ*****Биринчи боб*****Ким экан у қиз?**

Ўтган асрнинг сўнгти кузи Қорабулоқда очиқ чех-ра билан келди. Унинг гулгун сиймосидан узоқ вақтларгача нур аримади. Ахири октябрь ойи ҳам тугади, ўрик япроқлари совукда ўйнаган ёш боланинг лўпни юзирадай қизарди, шунда ҳам осмонда бирон парча булат кўринмади. Кундузлари қуёш саратондагидай қиздириб турди. Деҳқон осмонга қараб яхши ҳаводан қувонса, ерга қараб мўл ҳосилдан суюнади. Далаларда иш қайнайди: кимлар пахта теради, кимлар беда ўради, кимлар шудгор қиласди...

Илк саҳардан то қора кечгача одамлар тиним билмаган ана шу кунларнинг бирида, қуёш энди тиф ёя бошлаган салқин сабоҳда Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш икки отлиқ чиқиб келаверди. Ингичка, узун оёқларини чаққон босиб, чиройли бошини азот кўтариб келаёттан қашқа саман бирдан пахса девор томонга бурилди. Ёнидаги қорабайир буни сезди шекилли, бир неча одам ўтиб, қадамини секинлаштирди. Отлиқ қайрилиб қаради: Пиёзи чакмонининг барини тақимига қисиб, қора баҳмал ҳошияли оқ қалпогини бостириб олган хушрўй йигит баланд пахсадан осилиб тушган беҳи шохига қараб борар эди. «Бола-да, мурти сабза уриб қолган бўлса ҳамки, болалигини қўймайди, беҳига ҳуши кетди», деб ўйлади қорабайирдаги кекса киши.

Саман отлиқ қамчисини буклаб, пиёзи чакмони ёқаси билан гардан орасига қистирди-да, отини қистаб деворга яқинлашди. Шоҳда беҳилар осилиб ётар эди.

Отлик шохни ушлади, уни авайлаб ўзига тортди, кейин беҳилардан бирининг чанг босган тукини қўли билан артди, қалпоқли бошини энгаштириб уни ҳидлади, яна ҳидлади...

«Узиб олади!» деб ўйлади нариги ёқдаги кекса отлик.

Лекин у узмади, у шаҳло кўзларини барада чақнатиб ҳамроҳига қаради.

— Ота, манави беҳиларни кўринг, ҳиди оламни тутади, бирам пишибдики! — деди саман отлик беҳи шохларига ишора қилиб.

Ҳамроҳи унга қиё ўтирилиб кулиб турар эди.

— Хўанави нашватини қаранг, ўғлим, — деди у девордан анча ичкарида меваларининг кунгай томонлари қизарип турган нашватига имо қилиб.

Саман отлик беҳи шохини аста қўйиб юборди. Ҳамроҳи имо қилган нашватига қараб анчагина жилмайиб турди. Чехрасида ошкор баҳтиёрлик бор эди.

— Жаннат, жаннат, дейишади-ю, жаннат деганлари Қорабулогимиздан яхшимикан?! — деди у ўзида йўқ қувониб.

Ҳамроҳи жавоб қилмади, отининг тизгинини силтади. Йигит ҳайрон бўлиб, унинг орқасидан бир зумгина қараб турди. «Қалтис гап қилдим шекилли», деб ўйлади-да, ҳамроҳига етиб олиш, ундан узр сўраш учун отига қамчи босди. Лекин саман олдинга ташланмади, пишқириб бирдан орқа оёқларига туриб олди. Ҳамроҳи саманинг бежо пишқирганини ва олдинги оёқларини кўтарганда чиқдан, дупурини эшитиб, чўчиб орқасига қаради. Йигит тизгинни маҳкам ушлаб, от ёлига ёпишиб турар эди.

— Маҳкам ушланг, йиқила кўрманг! — деб ҳамроҳи бирдан қичқириб юборди. У кўрқиб кетган эди.

Саман йигитни орқасига йиқита олмаганидан кейин, энди шартта отиб олдинга улоқтиromoқчи бўлди, лекин йигит маҳкам ўтирап, қўрқиши, ранги ўчиш ўрнига ҳадеб кулар эди. Ҳамроҳи отга етиб келиб, саманини жиловлаб олди: ранги ўчган, текис тараашланган оппоқ соқоли титраб турган эди.

— Ҳай-ҳай, худо бир сақлади! — деди чол, кейин янги қора чопоннинг симжияк ёқасини сал очиб, қозурғалари кўриниб турган кекса кўкрагига бир-икки туфлаб сўради: — Нимага бунақа қилганини биласизми?

Йигит билмас эди, шунинг учун бўлса керак, катта, чиройли кўзларини жавдиратиб:

— Невлай, — деди.

Ҳамроҳи мўмин, меҳрибон кўзларига ёт кўринган бир қувлик билан кулимсиради.

— От жонивор жуда эслик келади....

— Бўлмаса, мени хушламабди-да? — деди йигит, чол сўзини бўлиб.

Чол дудмал қилиб йигитга қаради. Йигит ҳам унга қаради. Чол юзида изтироб кўлкаси бор эди.

— Ота, тобингиз жойидами? — деб сўради йигит ташвишланиб.

— Тобим-ку жойида-я, ўғлим, лекин отингизнинг қилифи бир нарсани эсимга тушириб юборди.

Чол от жиловини силтади. Отлар юриб кетди. Йигит ёнда сўз кутиб борди, лекин чол ҳадеганда гапиравермади.

— Нимани эсингизга туширди, ота?

— Кейин, вақти билан айтиб бераман.

Ота-бала анчагача жим борди. Ўртага оғир сукунат тушди. Ота ўз ўйлари билан, бола эса отаси чеҳрасидаги ғамгинлик сабабларини қидириш билан машғул эди. Ёш юрак аста-секин қарорини йўқота борди. Уни гоҳ қуз қуёшида оппоқ кўксини тоблаб ётган пахтазорлар олиб кетар, гоҳ қовун капаларда сайраётган беданалар элитар, гоҳ теримчиларнинг узоқ-яқинлардан эшитилиб қоладиган ашуналари яйратар эди. Баҳор бўйи, ёз бўйи заррама-зарра йикқан бунёдини буюк саховат билан деҳқон этагига тўкаётган мана шу олтин кузда унинг юраги қафасдан чиққан қуш юрагидай яйрай бошлади.

Бўлиқ кўкатлар ўртасида ўтлаб юрган қўйларни кўрганда, ана шулардай ўйноқлагиси келарди унинг. Табиат ўз тилида роз айтиб шувиллар экан, йигит бундан ўз қувончининг мадҳини ўқирди. Юрагига қанот берган шу ажойиб ҳислар таъсирида бирдан отини чоптиргиси келиб кетди. Қамчини кўтарди-ю, яна секин ёнига туширди. Чол буни сездими ё ўзичами:

— Чопгингиз келдими, ўғлим? — деб сўради.

— Йўқ, йўқ, — йигит қизаринқираб ерга қаради, боя қамчи босганда саман қилган қалтис шўхлик эсига тушиб кетди. — Ўзим...

— Хоҳласангиз чопинг, баҳрингиз очилар, — деди чол.

— Йўғ-е, жониворни уринтириб нима қиласман, ўзингиз ҳам ишга солмай боқаёттанга ўхшайсиз.

— Нимага? — Чол ажабланди. — Дехқоннинг оти бўлади-ю, ишга солинмайдими? Баҳорда чунонам қўш торттики, жонивор, қорабайирни нақ кўк терга тушириб юборди. Зўр от.

Отлар бир-бирига туташ икки дала орасидаги эгатта келиб тўхташди. Йигит чаноқлардан тошиб чиққан оппоқ пахталарни кўрди-ю, ўзининг ҳам ёш чехраси шу чаноқлардай очилиб кетди. У ўзларининг даласини билар эди. Пахталарнинг қийғос очилиб турганини кўриб ажабланди. Қайси куни отаси, «иккинчи теримга тушамиз», дегандек бўлиб эди. Қизик, пахталар ҳеч терилганга ўхшамайди-ку?

— Ҳали ҳам тердирганингиз йўқми, ота?

— Бир марта терганмиз, ўғлим. Яна уч-тўрт кундан кейин иккинчисига тушамиз.

Йигит ялт этиб қўшни далага қаради. У ерда хотин-халажлар, бола-чақаларчувиллашиб пахта теришаёттан эди.

— Бу Мадаминхўжанинг пахтаси,— деди чол, йигит қараб турган томонни кўрсатиб. — Қани, ҳайданг отингизни, ўғлим, хўжадан ҳол-аҳвол сўраб ўтайлик.

Мадаминхўжанинг хирмони дала этагидаги каттакон тол тагида эди. Ота-бола ўша ёққа қараб кетдилар. Отларни хирмон яқинидаги каллак урилган тутларга боғлаб, ўзлари хирмонга пиёда борищди. Хирмонда алоҳида-алоҳида тўқилган пахталар деваланиб ётар эди. Мадаминхўжа тол соясида чой ичиб ўтирган экан, буларни кўриб дарров ўрнидан турди.

— Э, Вали ака, келинглар, келинглар, — деди у бир неча қадам пешвоз юриб.

— Ассалому алайкум, ҳорманг энди, эшон!<sup>1</sup> О, барракалла, теримни тугатиб қўйибсиз-ку!

— Ваалайкум ассалом. Ҳа, яқинлашиб қолдик — деди Мадаминхўжа чол билан кўришиб. Кейин йигитга қўл чўзди. — Ана холос, қорини олиб чиқибсиз, билсан палов қилиб ўтирадиму!

Йигит уялинқираб кулиб қўйди.

<sup>1</sup> Э ш о н — хўжаларнинг номи ўрнида ҳурмат қилиб айтиладиган сўз (муаллиф).

— Қани, түшакка ўтириңг, Вали ака. Э-э, бу ёқса чиқинг, Фуломжон, отангизнинг ёнига, ҳа, — деди Мадаминхўжа меҳмонларга парвона бўлиб.

Вали ака фотиҳага қўл кўтарди.

— Омин, ҳосилга барака берсин.

— Омин!

Мадаминхўжа ўтирган ерида хиёл қўзғалди-ю, қўл қовуштириди:

— Хуш келибсизлар.

— Хушвақт бўлинг.

— Аммо Фуломжонни хўб олиб чиқибсиз-да, Вали ака, — деди Мадаминхўжа йигитга қулимсираб туриб. — Фулом қорининг ашуласини жуда соғиниб қолдик. Бир-иккита ашула қилиб бермаса, биздан осонликча қутулмайди.

Фуломжон ҳам ўтирган ерида хиёл қўзғалиб қулимсиради.

— Ашула сиздан айлансин, эшон, айтиб беради, бир оз нафасини ўнглаб олсин, — деди Вали ака.

Мадаминхўжа дастурхон солди, нон ушатди, кейин каттакон бир турскеттини келтириб пичоқ тортган эди, қовун торс этиб ёриди.

— Жонивор, хўб етилибди-да, — деди Мадаминхўжа қовунни коса қилаётib.

— Вой жонивор-еý, асал бўлиб кетибди-я! Байбай-бай!

— Ия, Қорабулоқнинг эрка сувини ичади-ю, яна асал ҳам бўлмайдими!

— Шуни айтинг, — деди Вали ака, — Қорабулоқнинг суви билан ери етти иқлимда йўқ. Ҳали ўғлим «жаннат» деди, тўғри айтади. Қорабулоқ ерига тош ташласангиз, жавҳар қилиб чиқариб беради.

Фуломжон гапга аралашмади, қовундан ҳам ёйилиб емади, хирмон орқасидаги теракзорда сайраётган булбул ноласига ҳуши кетиб ўтириди, тез-тез ўша томонга қараб, булбулни хаёл қўзлари билан қидирар эди. Шу қарашларнинг бирида хирмонга пахта кўтариб келаётган бир аёлга кўзи тушди. Аёлнинг бошида эски чопон бор эди. У пахтасини келтириб хирмондаги энг катта тўпга тўка бошлади. Фуломжон унинг оппоқ, момиқ қўлларини кўриб: «Ёш экан», деб ўйлади. Аёл пахтасини тўкиб бўлгунча Фуломжон унга ер остидан разм солиб турди. У этакка илашиб қолган пахталарни

қоқаёттанды, бошидаги чопон бирдан сирғалиб тушиб кетди. Фуломжон унинг жамолини кўриб сурат бўлиб қолди. Ўн беш- ўн олти ёшларда, юзлари ширмондай, чиройли қиз эди у. Фуломжоннинг тикилиб турганини сезгандек, қиз ҳам чопонини олатуриб йигитта ер остидан қараб қўйди. Шунда кўзлар тўқнашди. Фуломжоннинг юраги шиғ этиб кетди. Қиз унга бир табасум ҳадя қилиб хирмондан тез чиқиб кетди. Фуломжон орқадан қараб қолди. Аммо қиз узоқ кетмади, ўн қадамча нарида тўхтаб бошидаги чопони ичидан бир қиё боқиб қўйди.

— Шунаقا, эшон, дехқон қишин-ёзин ишлайди-ю, кузга бориб илиги қурийди. Гўр азоби билан етиштирган пахтасини заводга келтириб сув текин сотади,— деяр эди куюниб Вали ака.

Мадаминхўжа бошини чайқади.

— Шунаقا дейсизу, оқсоқол, бошка иложи бўлмагандан кейин дехқоннинг қўлидан нима ҳам келади?— деди у. — Ўзимиздан қиёс-да. Болта кўпас<sup>1</sup>дан ёзда пул кўтарамиз, а? Кузда-чи? Бор пахтамизни келтириб топширамиз. Қарзимиздан қутулсак, худога шукур, қутулмасак яна бой елкамизда-да.

— Болта кўпас Миркомил<sup>2</sup>дан қолишмайдиган юҳо чиқиб қолди. Пахтани пахтада ютади, мевани мевада. Оббо ноинсоф-эй, Ширмонбулоқнинг этагидаги қора тупроқ ерларни ҳам қўлга киргизиб олди-я!

— От бозорга завод солдиармиш, эшитдингизми, оқсоқол?

Вали ака калласини қимиirlатди, кекса юзи тумшайди, аммо буни Фуломжон кўрмади. У чоллар суҳбатини эшитмас, хирмон орқасидан кўзларини узолмас эди. Ундаги безовталик авжига минган сари кўнглида ашулага иштиёқи кучайиб борарди. Фуломжоннинг ўзи хира бўлиб эмас, бошқалар хира бўлаверганларидан кейингина ашула қилиш одати бор эди, ҳозир эса, нима учундир, ўзининг ашула айттиси келар, қариялар тезроқ суҳбатларини тутатишса-ю: «Қани, Фуломжон, бир-иккита ашула қилиб беринг», дейишса, деб юзларига қараб-қараб қўяр эди. Отаси унинг кўзларидаги илтижони уқдими, ахiri:

— Қани, ўғлим, дамингизни олган бўлсангиз, бир

<sup>1</sup> К ў п а с — русча «купец» сўзининг бузилгани.

<sup>2</sup> М и р к о м и л — андижонлик машҳур бой.

ашула қилиб бермайсизми? — деб қолди. Мадаминхўжага жон кирди:

— Ҳа, ҳа, шунаقا бўлсин, мулла, эшитайлик.

Фуломжон ўнг қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди.

— Жоним билан.

У ашулани «Кўча боғи»дан бошлади, овозини баралла қўйиб, шу дамгача кўрилмаган ва бутун вужудини қамраб олган иштиёқ билан, зўр илҳом билан айтди. Ашула оҳангидаги ранг-баранг тароналар Фуломжон ҳаяжонига пайванд бўлиб оқар, унинг шинам овози гўё «Кўча боғи» учун, «Кўча боғи»нинг мафтун-кор оҳангি эса Фуломжон учун яралгандек янграр эди. «Кўча боғи» унинг овозига қовушиб, ажойиб бир қувноқлик, жозибали бир жўшқинлик билан теварак-атрофда, узоқ-узоқларда, кенг фазоларда янграрди. Фуломжон бу ўтли куйларини ким учундир айтар, айта туриб, кўзлари билан кимнидир излар эди. Вали ака Фуломжоннинг ёниб куйлашига, кўзларининг ғўзалар ичida ниғорон бўзлашига ҳайрон бўлади. У ўғлини таний олмайди. Мадаминхўжа эса бошини солинтириб, мумдек эриб ўтиради. Факат озгин гавдаси ашулага монанд чайқалади.

Фуломжон «Кўча боғи»ни тугатиб, олдида турган жийда гул пиёладаги кўк чойдан бир-икки хўплади.

— Э, умрингиздан барака топинг, мулла, — деди Мадаминхўжа, энди бошини кўтариб.

Фуломжон мийифида кулиб қўйди. Кейин чолларнинг яна гапга тушиб кетишларидан ё отаси «жўнайлик» деб қолишидан қўрққандек, дарров «Дугоҳ»ни бошлаб юборди. Кўзлари яна паҳтазорда, ғўзалар ичida изғир эди. Бу ашулани ҳам ёниб-жўшиб айтди. Ким билади, излаганини топса, йўлида бўзлаганини кўриб турса, балки бундай ёниб, бундай ҳаяжонланиб айтмасми эдикан ашулани?

«Дугоҳ» ҳам излаганини топиб бермади, ўзи ҳам излашдан, бўзлашдан чарчамади. «Сегоҳ»га ўтди, яна аллақандай ғамгин, эзгин куйларни айтди. Аммо ҳеч бири юрагида нотаниш қиз ёқиб кетган ўтни пасайти-ролмади...

**Иккинчи боб****Бу қандай бадбахтлик?**

Вали ака эртасига саҳарлаб уйғонганда, Фуломжон хұжрасида йўқ эди. У ҳовлига ўтиб, түрдәги мажнунтол тагида шириллаб оқиб турған муздай куз сувида юз-құлини ювди-да, ичкарига қайтиб, ўчоқ бошида ивирсиб юрган хотинидан сўради:

— Онаси, ўғлингиз бомдодга чиқиб кетдими?

Чакка соchlарига оқ оралаган, бўйи ўртадан келган буғдойранг хотин аввал эрига салом берди, кейин таажжубдан кўра ташвишни ифода қилган бир товуш билан:

— Невлай, — деди. — Ҳужрасида китоб ўқиётганмикан, деб кирсам, у ерда ҳам йўқ.

— Отларга беда соглани чиққандир-да бўлмаса?

— Невлай.

Вали ака ташқарига қараб юрди. Хотини орқасидан пича қараб турди-да:

— Ҳой отаси, тўхтанг, — деди.

Эри тўхтаб орқасига қаради.

— Хўш?

— Бу ёққа ўтиринг, — деди у эрини палос солиғлик супага таклиф қилиб. Эри келиб супачага ўтириди. Хотин бошидаги жун рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради, кейин ўзи ҳам эрининг ёнига ўтириб, тоқати тутаган киши товуши билан ҳасрат бошлади: — Бошқалар боласини ўн еттига чиқмай уйлантиришади, орзу-ҳавас кўришади. Худога шукур, ўғлингиз йигирма бирга қадам қўйди, бўлди-да шунча раъийга қараганимиз. Кўзимиз очиқлигига бошини иккита қилиб қўяйлик ахир! Мунча бегамсиз? Хилват қилиб бундог гапирсангиз бўлмайдими?!

— Хўп қизиқ гап қиласиз-да, онаси, — деди Вали ака куюниб. — Мен, нима, келин кўрай, невара кўрай демайманми? Мен ҳам эл қатори орзу-ҳавас кўрай демайманми? Ички-ташқалик, ҳовлилик<sup>1</sup> шундай катта эшиқда<sup>2</sup> икковимиз ҳувиллаб ўтирсак, еганим татийдими, онаси? Йўқ, татимайди. Лекин...

— «Лекин», деб ўтирсак ўтираверамиз! — деди хо-

<sup>1</sup> Фарғонада томорқани «ҳовли» дейдилар.

<sup>2</sup> «Эшик» деб Фарғонада ҳовлини (ўйни) атайдилар.

тини гапни юлиб. Икки дунёда ҳам ўғлингиз ёрилиб: «Хотин олиб бер», демайди. Топиб олгани китоб! Айб ўзингизда, мадрасага элтиб бермай, уйлантириб қўйганингизда, ўз қанотимиизда бўларди, бу вақттacha невара ҳам кўрардик.

— Шундай-ю, лекин мадрасани битириб олса, ёмон бўлмайди-да.

Эрининг оғир-босиқ гаплари хотинининг тутай бошлаган ўтини барала ёндириб юборди. У табиатининг оғирлигига қарамай, ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Нима, мадрасани битиририб мачитта имом қиласизми?

— Йўғ-е, мачитта имом бўлсин демайман. Ўқигани яхши-да!

— Ё Фиёс каллага ўхшаш порахўр қози бўлар, шуда?! — деди хотин яна рўмолини бошидан силтаб олиб.

Вали ака хотиннинг жаҳли чиққанини кўриб, анчагача индамай ўтирди, кейин босиги билан гапирди:

— Бекор хафа бўласиз, онаси, ўзингиз ўйлаб кўринг ахир, мана сиз анави ерга баҳорда гул эқдингиз-а? — деди у, супа ёнида очилиб турган қашқаргулларни кўрсатиб. — Ҳа, эқдингиз, шулар гулласин, кўрганимизда баҳримиз очилсин, деб эқдингизми? Ҳа. Борди-ю, булар очилмасдан, бирор келиб юлиб ташла-нг деса, юлиб ташлайсизми?

— Нимага юлар эканман? Юлиб ташлаш учун экибманми? — деди хотин четда йиқилиб ётган бир гулни тиклаб.

Вали ака нашъя қилиб кулади.

— Ҳа, баракалла, ўғлингиз ҳам шунаقا, очилмаган гул, онаси. Ўқишини жувонмарг қилсак, уволига қоламиз. — Вали ака фикрида бир нарсани салмоқлаб кўраёттандек, бир оз соқолини силаб турди, кейин хотинига юзланиб гапирди: — Сизга ким айтди мадрасадан чиққанларнинг ҳаммаси имом ё қози бўлади, деб? Маманиёз охун, мулла Мадкарим домла, Содик аъламлар ҳам мадрасада таълим кўришган-ку. Ҳаммаси ҳам Фиёс каллага ўхшаган бетавфиқ бўлаверармиди? Курмак у, ўша Фиёс каллангиз!

— Бўлмаса нима қил дейсиз, яна икки йил кут, дейсизми? — деди тутақиб хотини.

— Ихтиёр ўзингизда, кутмайман десангиз айтиб кўринг, хўп деса нур устига аъло нур.

— Менга ташлаб қўймай, сиз ҳам айтинг-да, отасисиз.

— Хўп-хўп.

Вали ака ўрнидан туриб ташқарига йўлланди. Хотини шарақлаб қайнаётган қумғонни тутқич билан ўтдан олиб, бир чойнакка кўж, иккинчисига қора чой дамлади. Чойнакларни ўт дамига қўйиб, ўзи супага дастурхон сола бошлади.

— Ташқарида йўқ, саманга миниб бир ёққа кетганга ўҳшайди, — деди эри қайтиб келиб.

Тўғри, Фуломжон шу дам кеча ашула айтган ерида, саман устида хомуш бўлиб турарди. Мадаминхўжанинг пахтазорида эса терим тутаган, бугун бу ерга ҳеч ким чиқмаган эди.

«Менга нима бўлди? — деб ўйларди Фуломжон, ўзидағи безовталикка, юрак ўйнашларига тоб беролмай. — Шоирлар: «бир кўришда ақдим олди», деб ёзганларида, мен буни маҳоват деб билар, дунёда бундай нарса бўлмайди, деб ўйлардим-ку! Ҳа, менинг ҳам ҳозирги аҳволимни айтсан бунга ким ишонади? Ҳеч ким ишонмайди...»

Саман хирмондан чиқди, аста-секин юриб, шох орқали катта йўлга тушди. Бундан Фуломжон бехабар эди. У от тизгинини бўш қўйиб, ҳамон ўз ўйлари билан машғул эди. Кеча табиат гўзаллигини кўриб масъуд порлаган кўзлари ҳозир юмуқ, у кўзларини очгиси келмайди, очса ҳақиқат хаёлидаги дилбар юзига парда тортишидан кўрқади.

От қаёққа юришини билмай, катта йўлда бир оз турди, кейин йўл бўйидаги ўтлардан чимдилаб секин-аста юриб кетди. Унинг қаёққа юрганини, ора-сира тўхтаб ўт чимдилаганини сезмас эди Фуломжон.

«Ким ўзи, кимнинг қизи? Нимаси сеҳрлади мени? Бир қиё боққаними? Ё лабларида жилва отган табас-сумми? Юрагимдаги яра қайдан? Кўзларида чақнаб кетган ўт тифи очмадимикан бу ярани?»

— Ассалому алайкум!

Фуломжон сесканиб кўзларини очди. Ёнидан ўрта ёшли, мардикорнамо бир киши кир қопини орқалаб ўтиб кетаёттан эди. У Фуломжоннинг алигини эшитиб бир қаради-ю, йўлига кета берди. Фуломжон тизгинни

кўлга олди. «Ана холос, бу одам мени танирмиди экан? Аҳволимни хўп томоша қилгандир? Шарманда бўлдим!»

Гуломжон отнинг жиловини силтади, кейин қаёққа кетаётганини аниқлаш учун у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради. От тўғри кетаётган эди. Ху ана, икки қирғофи баланд кўтарилган Каттаарик. У баданини қуёш қиздираётганини сезиб, вақтнинг чошгоҳга яқинлашиб қолганига ҳайрон бўлди. «Шу вақтгача нима қилдим? — деб ўйлади кўнглида. — Уйга айтмай чиқиб кетдим, балки хавотир қилишаётгандир? Қайтиш керак. Йўқ, ўзини кўрмаганимга яраша кимлигини билмай қайтаманми? Лекин кимга ёриламан? Кимдан сўрайман? Отамдан сўрайми? Қайси юз билан? Йўқ, йўқ, Худо сақласин. Айтмоқчи, отам ҳам, Мадаминхўжа ҳам хирмонга орқаларини қилиб ўтиришган эди-ку!»

Гуломжон чуқур тин олди, кўзларини юмиб ҳеч нима ўйламасликка тиришиди, бўлмади. Эзгувчи ўйлар бостириб келар: «Қани, қани у қидирганинг?» деб ҳоли жонига қўймай сўпар эди. У кимгадир жаҳл қилаётгандек бошини қаттиқ силтади, кўзларини чаноқларидан чиққудай кенг очди. Энди у дала манзараси билан овунмоқчи, шу йўл билан бемурувват ўйлардан қутулмоқчи эди. Бу ҳам бўлмади. Катта ариқнинг шагал тортиб кўтарилган баланд қирғофи қишлоқнинг тоғ томон манзарасини тўсив олган эди. У отини қистаб ариқ лабига чиқди. Пастда, ёйилиб кетган кенг ўзанда куз суви чулдираб оқар, тагидаги ранг-баранг тошлар ўз жимиirlари билан кўз ўғирлар эди. От сувни кўрар-кўрмас жилов тортиб пастга интилди. Гуломжон хаёли тарқалганидан қувониб, отни ўз майлига қўйиб берди. «Жонивор, юраги ёмон қуйибди», деб ўйлади-ю, рўпарасида тўш очган манзарага ҳуши кетиб қараб қолди. Узоқда — баланд, тоғ, унинг этакларида — япроқлари сариқ дараҳтлар, берида — каталак пахтазорлар. Осмон мусаффо. Қуёш тик кўтарилган, оташи ер юзини ёндиришга қасд қилгандек беаёв...

Гуломжон бирдан сесканиб тушди, хушнуд юргурган кўзлари бир нуқтада тақа-так тўхтади. У ерда, ўша машъум нуқтада, тўрт нафар инсону бир нафар ҳайвон тирмасиб ётарди. Улар ер ҳайдардилар. Омоч қулоғида ўн икки-ўн уч ёшли нимжонгина бола, қўшнинг бир томонида эркак, яна бир томонида аёл, ол-

динда эса устига етти-саккиз ёшли бола миниб олган семиз эшак. Гуломжон бир неча зум ҳайрат ва даҳшат ичида нест бўлиб турди, кейин бирдан отига қамчи босди.

От ҳали сувга қонмаган эди, бехос тушган қамчидан бошини азод кўтариб, ариқнинг у лабига сакради.

— Ё Оллоҳ, бу қандай бадбаҳтлик! — деб юборди Гуломжон, кўз ўнгидаги барада очилган даҳшатли манзара олдида шошиб қолиб.

Гуломжон қўшчилар яқинига келиб бир чекқада тўхтади. У шундай алам талвасасида эдики, салом бериш ҳам, ҳол сўраш ҳам эсига келмади. У бу тўрт нафар бечора жоннинг қайси бирисига ачинишни билмас эди. Эшак яғринига канадек ёпишиб олиб, уни ҳадеб хи-хилаб қистаётган мурғак болага ачинсинми? Ё омоч қулоғига қорни билан ётиб олиб, уни чуқурроқ юргизиш пайида гоҳ оёқлари ерга тегмай кўтарилиб, гоҳ ерда судралиб бораётган жафокаш болага жони ачисинми? Ё бўлмаса буларнинг баҳти қаро ота-она-ларининг шўрларига куйсинми?!

Гуломжон турган ерида таҳта бўлиб туриб қолди. У қимирлашдан, бир нарса дейищдан ожиз эди. Кўзлари рўпарада, рўпарасида кўриб турган дўзах азобида. Ана, қўшнинг бир томонида кир, ямоқ иштонининг почалари тиззаларидан юқорига чиқариб ҳимаридан олинган ярим яланғоч нимжон эркак. У қўшнинг қўндаланг ёғочини гоҳ чап елкаси билан, гоҳ ўнг елкаси билан чираниб итаради. Пешанаси эски латта билан танғиб олинган, ел ялаган қора, кир юзидан, офтобда яллиғланган, суюклари бўртиб чиққан қотма баданидан тер ёғилади. У чикалдак оёқларини ерга қадаб, ёғочни итариди ва сира тинмай кичик ўғлига буюради:

— Ҳайдა, бўтам! Бўшаштирма! Ҳа, бўшаштирма!

Ёғочнинг нариги учини гавдаси мўъжазгина бир аёл итариб боряпти. У елкасига шапалоқ-шапалоқ ямоқ тушган кир, эски кўйлак этаклари орасида гоҳ ўралашиб қолади, гоҳ чалишиб йиқилиб кетади, яна туриб итаради. Кўйлаги жиққа ҳўл, сийрак соchlари тўзғиган, боши очиқ. У ҳам озғин, ҳорғин товуш билан ўғлини қистайди:

— Ҳайда, болам! Ҳайда, айланай! Ҳа, бўшаштирма!

Аёл ҳолдан кетган эди, оғир аравани қирга тортиб чиқаётган отдай ҳансирар, лаблари қалтираб, ранги

ўчиб борарди. Бирдан кўзлари тинди, шалоплаб қоқерга йиқилди!

— Тўхта!

Эркак югуриб келиб хотинини бошидан қўтарди. Хотиннинг боши шилқ этиб эркак тиззасига тушди.

— Сув! Сув олиб, кел, ўғлим! — деб қичқирди эркак, ёнида тиззалиниб онасига мўлтираб турган катта ўғлига.

Ўғли чопиб бориб сув келтирди, хотин юзига сув сочишди. У бир сесканди, кейин қўрошиндан қуюлгандек оғир қовоқларини зўрга қўтариб, хира, сўлғин кўзларини очди. Эри унинг оғзига сув тутди, аёл сувни шимириб, оёқни тириш, қотма қўли билан секин итарди. Шунда ёшданми, пешанасидан оқдан терданми намланган кўзларини катта очиб, бирдан юзини енги билан тўсиб олди.

Фуломжон булар олдида ерда отини жиловлаб хомуш турар эди. Эркак даст ўрнидан туриб кетди. У хаёлга чўмиб, фам чекиб турган кишини танир эди.

— Э, келинг, мулла Фуломжон, — деди у қўл қовштириб.

— Отни олинг, Матқовул ака!

— А? Нимага? — Ҳайронлиқдан Матқовул аканинг кўзлари олайди.

— Келинбувимни ҳам, болаларни ҳам қийнаманг. Эшак билан кўшиб ерингизни ҳайдаб олинг.

Матқовул ака шошиб қолди. Дунёда шўри-ғавфодан, баҳти қароликдан ўзгасини кутмаган бир бечора учун ақл ишонмайдиган катта баҳт эди бу. Худодан тани соғлик сўрагани эсида, юртга тинчлик, элга омонлик сўрагани эсида, беимон ўлдирма деб илтижо қилгани ҳам эсида, аммо мушкулимни осон қил, ерни ҳайдаб олай, от бергин деб сўрамаган эди-ку! Шунинг учун у отта эмас, нарироқда болаларини қанотига олиб ўтирган муштипар, рангпар хотинига қаради. Хотини мазлум юзида омонатдай кўринган бир жилмайиш билан Фуломжонга қараб турарди.

— Вой, сизмисиз, айланай Фуломжон! Бошим айланаб, қаранг, танимабман. Келинг, айланай. Ҳадича бувим саломат юрибдими?

— Худога шукур, саломат, — деди Фуломжон, энди ўзини пича ўнглаб олиб. — Далага чиқиб эдим, сиз-

ларни кўриб, тикка келиб қолдим, хафа бўлмайсиз-да, Салтон хола.

— Вой, айланай, биздаقا тупроққа беланиб ётган бечораларни қадр қилиб кўргани келасизу бошимиз осмонга етмай, хафа бўламизми? Ҳай, ўтилинг бу ёқ-қа, айланай.

Салтонбуви ўрнидан турди-ю, бу ер ўтириладиган жой эмаслигини, палос йўқлигини кўриб қизариб кетди.

— Эсим қурсин, сизни ерга ўтилинг деганимни қаранг.

— Йўқ, йўқ, хафа бўлманг, — деди Фуломжон, Салтонбуви кўрсатган ерга ўтира туриб. — Шундай қилайлик, Матқовул ака, от билан эшакни қўшга қўшинг. Келинбувим укаларим билан уйга қайтсин. Чарчаган бўлсангиз ўзингиз ҳам дам олинг. Мен ҳайдаб берай.

Салтонбуви кўзларига ёш олиб дуо қилди.

— Худоё умрингиздан барака топинг. Илойим яхши қайлиқ олиб, бола-чақали, невара-чеварали бўлинг!

Фуломжоннинг юраги шиф этиб кетди. Бирдан боши айланиб, кўзларига хирмон кўринди. Пастки лабини ичида хиёл қимтиб, кўзларини бир юмиб очди, кейин ўзини тутиб, ясама жилмайиш билан Матқовул акага қаради.

— Чамамда, бу ер аввал вақфга қарашли<sup>1</sup> эди шекилли? — деб сўради у тангирқаб.

— Ҳа, вақфники. Икки йилдан бери ўт босиб ётган эди. Мутаваллига ялиниб, раҳматли имом домлага ялиниб, зўрга сўраб олдим.

— Бутунлай беришдими?

— Ўлар! Тўртдан бирга<sup>2</sup> беришди, — деди Салтонбуви куюниб.

— Бирини мутаваллига берасизларми?

Матқовул ака аввал хохолаб кулди, кейин бирдан юзи тиришди, қовоқлари тушди.

— Худо бандасини яратганда, пешанасига чоракор бўласан, деб ёзмасин. Ёзгандан кейин кунинг шу-да,

<sup>1</sup> В а қ ф г а қ а р а ш л и — маҷитта қарашли, маҷитта ҳадя қилинган.

<sup>2</sup> Т ў р т д а н б и р г а — ишловчига ҳосилнинг тўртдан бирини бериш шарти билан.

мулла Фулом! Ерни минг азоб билан ҳайдайман, ургулик топаман, ҳосилнинг тўртдан бирини олсан, Худога шукур дейман. Ҳали экилмаган, унмаган буғдой устида бошим минг ёрияпти. Эшакни икки чорак буғдой бераман, деб ялиниб юриб зўрга олиб келдим. Э-ҳа, камбағалнинг шўрини асти сўраманг!

Фуломжон бир юмaloқ кесакни олиб уқалаб ўти-  
пар, хаёлида кеча отасига айтган сўзлари такрорла-  
нарди: «Жаннат, жаннат, дейишади-ю, жаннат деган-  
лари Қорабулогимииздан яхшимикан?» Ҳа, шундай де-  
дим. Агар Қорабулоқ жаннат бўлса, бахтиёр филмони  
Матқовул ака бўлдими? Миясида қайнашган ўйлар  
Фуломжонни ларзага келтириди... Кеча Қорабулоқни  
жаннат деганда отаси тескари ўтирилиб олганини эн-  
ди англади. «Э-ҳе, мен дунёнинг оқу қорасига тушун-  
мас эканман. Жаннат деганим дўзах эканидан беха-  
бар эканман!..» дедиyo кўнглида, ўрнидан туриб этаги-  
ни қоқди...

### Учинчи боб

#### Кигиз тагида яширилган китоб

Фуломжон кейинги вақтларда танҳоликка майл боғ-  
лаб, муллаваччалар сұхбатидан ўзини тортадиган бў-  
либ қолди. Балки бунга қишининг қаҳратон совуқлари,  
неча кундан бери кўз очирмай ёғаётган қор сабаб  
бўлгандир? Ё танида нохушлик, ёхуд дилида бир сиёҳ-  
лик бордир? Ҳарҳолда Фуломжон буни ҳеч кимга айт-  
майди. Мударрисдан сабоқ олади-да, ним қоронғи ҳуж-  
расига кириб, китоблари орасига кўмилади. Неча ой-  
лар бўлдики, унинг булбулники сингари хуш овози  
баланд шифтли хонақоҳнинг кенг бағрида Куръон су-  
раларига қовушиб янграмайди, неча йиллардан бери  
мадрасада бирга истиқомат қилишиб келган дўстлари  
гурунгида қаҳқаҳаси эшитилмайди. Ҳужрасига вақти-  
бевақт дўстлари киришса, китоб устидан бош кўтар-  
май, тафаккур оламидан қайтмайди. Ундаги бу нога-  
ҳоний ўзгариш сабабини ҳеч ким билмайди. Балки  
бултур севги фариштаси хирмонда оттан ўқдан дили  
жароҳатдадир? Балки Матқовулнинг бадбахтлиги юра-  
гини фаш қилиб қўйгандир? Қишлоқда уч кун хомуш  
ва беҳуш юриб шаҳарга қайтаётганда ота-онаси ўрта-  
га олиб айтган гаплари оғир боттандир?

Ха, гапни онаси бошлаган эди ўшанды:

— Айланай, болам, ўн битта бола кўрдик, ўни ўлиб, битта сен қолдинг. Улардан ҳеч бирининг орзу-ҳавасини кўрмадик. Ҳаммаси кўнглимизда доғ, кўзимизда ёш қолдириб кетди.

Онаси енгининг учи билан кўзёшларини артди.

— Йиғламанг, буви, Худонинг иродаси, — деди Фуломжон, бундай гаплар онасининг ҳилвираган қалбига малҳам бўломаслигини билса ҳам.

Шу вақтгача калласини солинтириб, ўйга ботиб ўтирган отаси ўғлига термилиб қаради. Фуломжон унинг кўзларидағи мунгни кўриб, ерга қараб олди.

— Биз ҳам дунёдан орзу-ҳавас кўрмай ўтмасак, кўзимизнинг очиқлигида бошингизни иккита қилиб кўйсак деймиз-да, ўғлим, — деди чол ҳамон мўлтираб туриб.

Фуломжоннинг эсига бирдан хирмон тушиб кетди. Йўқ, хирмон эмас, хирмонда бир қиё боқиб кеттан оқ билак, жоду кўзлари билан юрагига ўт ёқиб кетган малак кўринди. Аммо унинг кимлигини билмас, билганда ҳам шуни олиб беринглар, деб айтольмас эди. У йигирма бирга кириб, севги гаштини сурмаган, унинг заҳрини татимаган эди. Шу уч кун ичида у кўп ўйлади, умрининг бўшлиқда, равон йўлда ўтганини англади. Дунёда юракни орзиқтирадиган, ўйнатадиган, гоҳ оғритиб, гоҳ яшнатиб юборадиган ҳислар борлигини пайқади. Уни бу ҳислар сехрлар, чорлар, ўзига тортар эди. Жоду кўзларни яна бир кўриш, ҳеч бўлмаганда у кўзлар эгасининг кимлигини билиш истаги билан юраги тепарди. Фуломжоннинг тилини лол қилиб қўйган нарса ҳам шу ҳис ва шу истак эди. Одоб ва ҳаё-чи? Ота-она олдида одобни унутсин, ҳаёни поймол қилсинми? «Менга фалончини олиб беринглар!» десинми? Йўқ, йўқ, бундай деёлмайди. Хайр, борди-ю: «Майли, билганингни қилинглар», деса-чи? О, йўқ, жоду кўзлар нима бўлади унда?

— Яна бир оз сабр қилинглар, ўқишим бир ёқли бўлсин, кейин, — деди.

Балки ўшанда онасини йиғлатиб, отасини мўлтиратиб кетгани учун шу кунларда ичини еб юргандир? Ё бўлмаса, йўлда учраган одамнинг гаплари таъсир қилдимикан?..

Фуломжон қишлоқдан чиқаверишдаги қирга етган-

да, у ерда дам олиб ўтирган бир кишига кўзи тушди.  
Бу одам Фуломжон яқинлашганда дарров ўрнидан ту-  
риб салом берди:

— Ассалому алайкум, мулла Фулом!

— Ваалайкум ассалом.

— Мени танимадингиз-а? — деб кулди у киши.

Фуломжон танимас эди. Уялинқираб жилмайди.

— Мен сизни узоги куни далада, саман от устида  
кўрган эдим. Ўйланибми, уйқусирабми турган экан-  
сиз.

Фуломжон эслашга уринди, лекин эслай олмади.

— Ҳеч эсимда йўқ, — деди у, хиёл қизариб.

— Йўғ-э, салом бериб ўтганимда бир қараб қўйдин-  
гиз-ку.

— Ҳа, ҳа, сизмидингиз ўша киши?

Йўловчи «ҳа» дегандай қилиб бошини эгди. Шун-  
дан кейин ўрталарида гап улашиб кетди.

— Мен ҳам қорабулоқдикман, — деди у киши. —  
Қишлоқда жигарим бор, кўриб кетяпман.

— Шаҳарда турасизми?

— Ҳа, саккиз йилча бўлди, кўчиб кетганмиз. — У  
Фуломжоннинг ҳайратли кўзларини кўриб, изоҳ бера  
бошлади: — Қишлоқда сиқилиб қолдик. Икки таноб  
еримиз, товуқ катагидай эшигимиз бор эди, отам раҳ-  
матли буларни Болта кўпасга, жонини бўлса Худога  
топшириб қутулди. Мен сиз тенги йигит эдим, онам-  
ни, укаларимни олдиму шу қишлоқда турмасам бўлди-  
ми, деб шаҳарга кетиб қолдим.

— Қалай, шаҳарда тузук турибсизларми? — деб  
сўради Фуломжон.

— Шаҳар ҳам, қишлоқ ҳам бир қаро гўру, лекин  
шаҳарда унча-мунча иш топилиб турари. Йннайке-  
йин, шаҳарда турсангиз, одамнинг кўзи ҳам очилар  
экан.

Фуломжон ўйланиб қолди. Одамнинг кўзини илму  
урфон очади, деб билар эди. Нега у: «Шаҳарда одам-  
нинг кўзи очилар экан?» дейди ё ўқирмикан-а? Уст-  
бошидан ҳеч муллаваччага ўхшамайди-ю? Оёқларида  
кўн этик, эгнида рум ёқа кўйлак, чоловор, булар усти-  
дан пахтаси чиқиб кеттан мөгор чопон кийиб олибди.

Фуломжон ҳамроҳига мулоимгина қараб:

— Исм-шарифларини билсан, — деди.

— Қудрат.

Гуломжон анчагача ўйланиб борди, уни ҳамон Қудратнинг бояги сўзи қизиқтирар эди.

— Шаҳарда нима касб қиласиз, Қудрат ака?

Қудрат унинг кўнглидаги бесаранжомликни сезиб тургандек хохолаб кулди-да:

— Мадрасада ўқийман, муллаваччаман, — деди. Унга қўшилиб энди Гуломжон ҳам кулди.

— Йўқ, рости? — у кулиб туриб яна сўради.

— Депода ишлайман.

Гуломжон бу сўзни тушунмас эди.

— Лаббай? — деди у сўзини англамай қолгандек.

— Депода, поезд ишхонасида.

— Ҳа, — деди Гуломжон ажабланиб.

— Гуломжон поездни кўрган бўлса ҳам, лекин ишхонаси борлигидан бехабар эди. Уни ҳозир поезд ишхонаси эмас, ўшандай ишхоналарда бир мусулмоннинг ишлагани ажаблантирар эди.

— Тавба, — деди у ҳайратини яширолмай, — мен ундақа жойларда фақат ўрислар ишлайди десам, мусулмоңлар ҳам бор экан-да?

Қудрат беозор қилиб кулди.

— Ҳа, ҳа, бор, — деди у фахрланиб. — Депода, пахта заводларида ишлаёттан мусулмонлар анчагина бор. Лекин баримиз ҳам қора ишда ишлаймиз, мастеровиймиз, ўқимаганмиз-да, машинанинг тилига тушумаймиз. Қани энди сиздай ўқиган, илмли кишилар бўлса-ю, машинанинг тилига тушунса, ўзи ҳам антиқа машиналар ясаса...

Гуломжон ўнгайсизланиб, анчагача жим борди. Ёнидаги одам, назарида, чўзилиб, бўйи ўсиб кетаётгандай туюларди. Шундай туюлган сари Гуломжон ўзини кичкина, бачкана ҳис қилиб борди. Энди бояги сарбастлигини йўқотиб, сўз тополмай қолди.

— Депода анча яхши йигитлар бор, — деди Қудрат, Гуломжон гапира бермагандан кейин ичи пишиб. — Мастеровийлар менга уни-буни ўргатиб туришади, лекин илм бўлмагандан кейин, мактаб кўрмаганингдан кейин дарров илиб ололмас экансан. Ўқимаганимга жуда армон қиласиз. Менга қаранг, мулла Гулом, мана, сиз мадрасада ўқийсиз-а? Ҳа, баракалла, сизларга ҳам шундай илмни ўқитишадими, йўқми?

Гуломжон қандай жавоб берсам экан, деб пича ўйланиб турди, кейин:

— Мадраса диний мактаб. Лекин риёзиёт, илму ҳикмат, ҳандаса, кимё деган дарслар ҳам ўтилади, — деди. — Ўтилишга-ку ўтилади-я, аммо-лекин...

— Орқасига тушадиганлар бўлмайди, шундайми?— деди Кудрат унинг сўзини бўлиб.

— Йўқ, нимага? Тушадиганлар ҳам бўлади. Масалан, шаҳри Самарқандда Мирзо Улугбек расадхона қурган, Хоразмда Абурайҳон Беруний алжабр илмига асос солган. Бухоройи шарифда Абу Али ибн Сино деган бағоят улуғ табиб ўтган. Лекин булар ва буларга ўхшаган кўп уламо ва фузалолар мадрасада кўрган таҳсилларига қаноатланиб қолмай, ўз саъе-улмларида жонбозлик қиласланлар.

— Бундан чиқди, сиз ҳам жонбозлик қилассангиз, бирон мачитта имом ё мутавалли бўлиб қолмасангиз бўлар экан-да?..

Шу гапдан кейин улар узок жим қолдилар. Бундан кейин йўлда бўлган бошқа майда-чуйда гап Фуломжоннинг эсида қолмади. Шаҳарга кирганда улар бошқа-бошқа кўчаларга бурилиб, ажралишдилар.

Фуломжон хуфтон намозидан кейин тўғри ҳужрасига кириб кетди. Юпқа, мурабба пишиқ гиштдан қурилган бу ҳужра тоғни тешиб қилинган кичик форга ўхшар, қишин-ёзин офтоб тушмагани учун заҳ ҳиди анқиб турар эди. Дарча очилиши билан қоронги ҳужрага совук ёпирилиб кирди. Фуломжон токчани ти-мирскилаб гугуртни топди-да, чақиб, ўчоқ бошида турган жинчироқни ёқди. Бўйи икки, эни бир ярим қулочча келадиган тор ҳужра жинчироқнинг хира ёруғида сарғимтил тус олди. Фуломжон жинчироқни кўтариб бир зумгина ўй суриб турди. Кейин тўғри бориб, дарпарда ёнидаги сандалга келди. Чироқни тўнтарифлиқ сопол товоқчага қўйиб, ўзи сандалга ўтиради. Қўлларини кўрпа тагидан сандалга тикиди. Лекин у ерда ҳам ҳужрадаги сингари буюқ ўйнарди. «Андек ўт қимасам бўлмайди», деб ўйлайди-ю, ўчоққа бориб, майда тол тарашалардан ўт қалади. Қуруқ ўтин бир зумда ловиллаб ёниб кетди. Фуломжон ўчоқ ёнига ўтириб, қўлларини исита бощлади. Ўт юришиб кеттандан сўнг ўчоққа икки-учта ўрик ўтин ташлади. Кейин ўчоқ бошидаги кичкина қумғонни олиб, дарча ёнидаги бурчакда турган чепак одига келди. Чепак чеккасидан мис чўмичнинг сопи чиқиб турган эди, уни ушлаб

тортди, лекин чўмич чиқмади; челақдаги сув музлаб, чўмични тишлаб қолган эди. Фуломжон челақни ўчоқ ёнига келтириб қўйди, сувнинг эришини кутиб, ўзи ҳам шу ерда исиниб ўтириди.

Ташқарида қутурған шамол гувиллаб дарчани итапар, унинг тирқишиларидан қор учқунларини иргитарди. Бирдан шу шовқин ичида бўғик қаҳқаҳа эшитилди, кейин ҳайқириб айтилган бўлук-узук сўзлар кўтарилиди. Кимдир шанги товуш билан: «Мулла Асад, ҳам-қишлоғингизни чақириб чиқинг, иккита ашула қилиб берсинг», деди. Фуломжон бу сўзларни аниқ эшитди, чунки булар ташқарида, Фуломжон дарчасининг ўнг томонидаги дарча олдида айтилган эди. Бошқа бирор: «Э, у кишини қўяверинг, димогига тушган қуртларни хужрасида очган жўжаларига териб беряпти!» деган эди, қўшни ҳужра ичида яна қаҳқаҳа чақнаб кетди. «Э, айтдим-а, биздан ўзини тортиб қолди деб, курк бўлган экану билмабмиз-а!»— деди аллаким, ичаги узилгудай кулиб.

Устма-уст ёғилаёттан шалтоқ, ҳар қанча жирканч бўлса ҳам, Фуломжон ўзини босди, юрагида портлаган ғазаб уввосига эмас, инсоғ овозига қулоқ осди. Ўрнидан қўзғалиб турмоқчи ҳам бўлди, лекин ўзини босди. Ҳар нечаки улар пасткашлик қилишмасин, Фуломжон вазминлик кўрсатишга мажбур эди. Шунинг учун мажбур эдики, мадрасанинг қоронғи ҳужраларида, ҳаммасида бўлмаса ҳам, кўпчилигида ҳаёт шу тахлитда кечарди. Ярим йилгина илгари унинг ҳам беғубор кулгилари шу қаҳқаҳалар ичида жаранглаган кезлар бўлларди-ку? Унда беўрин кулгилар бирорга озор беришини, оти асқия деб қўйилган мазахлар киши кўнглига оғир ботишини ўйлабмиди? «Қандай пасткашлик! Қандай ярамас қабоҳат! Шу маҳалгача сезмаганимга ҳайронман!» деб ўйлади Фуломжон. Ўйлади-ю, шу кўйи данг қотиб қолди; ташқарида, дарчанинг қоқ рўпарасида аллаким ёнларига попиллатиб урди-да, хўроғза ўхшаб: «Ку-қу-қу-қу!» деб қичқирди. Фуломжон энди ўзини тутолмади. Бу ҳазил эмас, аччиқ масхара ҳам эмас, шафқатсиз ҳақорат эди. У қўш тавақа дарчани икки қўли билан икки ёнга тарақлатиб очди-ю, ташқарига шиддат билан отилиб чиқди. Ўнг томондаги ҳужрага бир тўда мулавачча ёпирилиб, қочиб кириб кетди. Фуломжон нима қилаётганини ўзи ҳам билмай

қўшни дарчага икки ҳатлаб етиб келди. Аммо дарча берк эди. Олов чақнаган қўзлари ёпиқ дарчани кўргандагина у тўхтади. Қўллари ёнига тушди, боши солинди. Аммо дарчани итармади, бир оғиз ҳам сўз айтмади. Орқасига қайрилди, бир-бир босиб ҳужрасига кириб кетди. Дарчани ичкаридан ёпиб, унга орқаси билан суяниб қолди. Ҳали вужудини ларзага келтирган даҳшатли қалтироқ ҳануз тарқалмаган эди. «Нима қилай? Нима қилай?» деб хаёлида ўзидан сўрар, кўзларини юмиб олиб жавоб излар эди. Анчагача кўзи юмуқ, боши солик турди, кейин жавоб топдими ё ўчоқда лақقا чўғ бўлиб қолган ўтга кўзи тушдими, шошиб бориб хокандозга чўғни авайлаб солди, сўнг ўрнидан секин туриб, уни сандал ўтхонасига келтириб тўқди. Чап қўли билан кўтариб турган кўрпани яна тушириб, хокандозни ўчоқ ёнига келтириб қўйди. Ана шундагина челақда эриган сувга кўзи тушди. Қумғонга сув қуийб, уни ўчоққа қўйди, қумғон қорнига учта тарашани тираб, пулфаб ёндириди, кейин сандалга бориб ўтириди. Ёнидаги токчага чўзилиб довот билан қаламни олди, буларни жинчироқ ёнига қўйиб, кигиз тагидан латтага ўроғиқ бир нарсани олди, чангларини қоқди, пуллади, кейин латтани очиб, ичидан бир китоб олди, уни очди, овоз чиқармай шивирлаб ўқиди. Кейин бир парча қофоз олиб, қамиш қаламни қитирлатиб ёза бошлади. Ёзганда ҳам тез-тез китобга кўз ташлаб, чапдан ўнгта қараб ёзарди...

Фуломжон машғулотига шу қадар берилиб кетдики, қўшни ҳужрада ора-сира портлаб турган қаҳқаҳаларни ҳам, ташқарида увлаётган шамолни ҳам эшитмас эди. Ҳатто дарпардаси ёнидан қалин қорни фирчиллатиб ўтган дупурни ҳам эшитмади. Дарча бехосдан очилганда эса дарров жинчироқни пулфаб ўчириди.

— Ким? — деди Фуломжон, қоронфида туриб. Унинг овозида ваҳм, ҳаяжон бор эди.

— Мен, мен, мулла Фуломжон, — деди кирувчи шошиб. У чироқни Фуломжоннинг ўзи ўчириб қўйганидан бехабар бўлса керак, дарров узр сўради: — Кўполлигим курсин, эшикни қўққисдан очиб, чироқни ўчириб қўйдим.

Фуломжон овозни таниди.

— Ашур Мирзо, дўстим!

— Мен, азизим, мен.

Гуломжон ўчоқдаги ўт ёруғида қомати хирагина кўриниб турган дўстини бориб қучоқлади.

— Эй, бормисиз, дўстим! Соғинтириб юбордингиз-ку жуда.

— Борман, борман. Ўзингиз қалай? Мадраса тупроғини ялаб ётибсизми ҳали ҳам? — деди Ашур Мирзо ҳазиллашиб.

— Ҳа, сиздан қолган, табаррук, яламай бўладими?

Икковлари хохолаб кулишди. Гуломжоннинг кулгиси шу қадар беғубор эдики, ҳужрада қирқинчи фонаръ ёқилгандай бўлиб кетди.

— Ие, эсим қурсин, чироқни ёқмай турганимни қаранг, — деди Гуломжон юрагини тўлдирган шодлиқдан баҳтиёр бўлиб. — Қани, қани, сандалга ўтинг, мен чироқни ёқиб юборай.

Гуломжон жинчироқни ёқди, сандал устида довот ҳам, бояги китоб ҳам йўқ эди. У меҳмонни сандалга ўтқазиб, бир зумда дастурхон ёзди. Токчадаги қутидан жийда, ўрик қоқи келтириб қўйди. Суви қочган иккита нони бор экан, уларни ҳам ушатди.

— Э, хўп келдингиз-да, дўстим, — деди у қувониб.

— Шунаقا, биз истамасак, сизнинг эсингизга ҳам келмаймиз, — Ашур Мирзо ўпкалаб гапирди.

— Йўғ-е, йўқ-е, ўзингиз биласиз: мутолаа, муколама. Ҳа, дарвоқе, Тўтиқиз қалай, катта бўляптими?

Ашур Мирзо қизнинг отини эшитиши билан ёзилиб кетди.

— О, учга қадам қўйиб қолди-ку. Тили бирам ширин бўлиб чиққанки, асти қўя берасиз.

— А? — деди Гуломжон ажабланиб.

— Ҳа, гаплари қизиқ. Билмайман, ким айтган экан: сенинг отинг қушнинг оти, одамга ўхшаб гапирадиган чиройли қуш бор, оти тўти, сенинг ҳам отинг Тўти, дебди. Ана шундан бери: «Дада, тўти қанақа бўлади?» — деб сўрайди-да. Ўзим кўрган бўлсам ҳам кошки эди, таърифини эшигтанман, холос: Билганимча айтаман, кейин ўзимиз гапда ўйнаган ўйинни қилиб бераман.

Ашур Мирзо ўтирган ерида қўлларини елкалари бараварида кўтариб, тирсагидан олдинга қаратди ва бутун гавдаси билан силкиниб туриб тўтиқушни тақлид этди:



Lituz.com

To'liq qismini  
Shu tugmani  
bosish orqali  
sotib oling!